

# ОБИДАЛАР ҲАМ ҚЎШИҚ КУЙЛАДИ

Ўзбекистон — бу собиқ советлар занжиридан озод бўлиб чиққан мамлакатлар ичида ўз мустаҳкам мавқеига эга бўлиб бораётган мамлакат. Шу юртлар орасида бугунги кунда қўшиқ куйлаш имконига эга бўлган, халқининг кўнглига мусиқа сиғадиган ягона Ватан. Дунё сиёсатдан қалққан, кўплаб мамлакатларда уруш олови тинмаётган, халқи жиддий сиёсий учрашувлардан нажот истаб турган бир пайтда, не бахтким, халқимиз байрамлар, мусиқа оғушида яшаяпти. Мамлакатимиз халқи дунё халқлари билан мусиқа тилида танишиб, сўзлашаётган экан, қўшиқ орқали халқларни бирлаштираётган экан, бу ҳам халқаро аҳамиятта молик сиёсат. Ким айтса хато айтади: сиёсат фақат ўта жиддий тадбирлардан иборат деб. Мусиқа тадбири турли халқларни жипслаштираётган экан, турли халқлар қалбини ром этиб, уларни бир-бирига қарши курашдан воз кечишга чорлаётган экан, бу катта сиёсат. Зотан, Мамлакатимиз Президенти фақатгина мамлакатимиз халқига эмас, халқаро аҳамиятда ҳам ўз хизматини намоён этиш заруриятини ҳисобга олиб юртимизда «Шарқ тароналари» халқаро мусиқа фестивалини ўтказишга ташаббус кўрсатди.

Самарқанднинг тарихий обидаларига ҳамоҳанг «Шарқ тароналари» намойиши ниҳоясига етди, лекин бу тароналар Шарқ халқлари қалбининг қўшиққа ташналигини янада оширди. «Ўзимни кўпгина қўшиқларни куйлаб бўлгандек, санъат соҳасида талайгина ишлар қилиб улгургандек ҳис қилардим, — дейди фестивал иштирокчиси Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист хонанда Марям Сатторова. — «Шарқ тароналари» фестивали менда янги-янги ташаббуслар уйғотди. Яна икки йилдан сўнг бу тадбирда қатнашиш, Шарқ халқлари мусиқаси билан янада яқинлашиш, айтиш жоиз бўлса, ўзимни ғолиблар сафида кўриш истагини ўйлаб, ўзимни қайта туғилгандек ҳис қилдим.»

Бундай холис ният кимни янги ижодий изланишларга бошламайди, дейсиз. Назаримда бундай ҳаёт-бахш туйғулар фестивалнинг ҳар бир иштирокчиси кўнглидан ўтганга ўхшайди. Шундай қилиб, суҳбатдошимиз фестиваль иштирокчиси, мумтоз қўшиқларнинг моҳир ижрочиси Марям САТТОРОВА.

— Марямхон, Сиз фестивалда ўз иштирокингизни ва юртимиз санъаткорлари иштирокини қандай баҳолайсиз?

— Аввало шуни айтиш керакки, мен фестиваль конкурсида эмас, фестиваль иштирокчиси сифатида Фузулий ғазали билан айтиладиган «Қурбон ўлан» қўшиғи ҳамда Катта ашула билан қатнашдим. Конкурсда ҳар бир мамлакатдан биттадан хонанда иштирок этиши керак. Республикамиздан бу конкурсда Ўзбекистон халқ артисти Муножотхон Йўлчиева қатнашди ва биринчи ўринни эгаллаб, ўзбек қўшиқчилик санъати мавқеини шарқ санъаткорлари даврасидаги муносиб ўрнини намоён этди.

Санъатда ҳам баҳс бор. Лекин бошқа баҳслардан фарқли ўлароқ санъатдаги баҳсда ғолиб бўлади-ю, мағлублар бўлмайди. Санъат мухлиси олдида ўз санъатини намоён қилишнинг ўзи катта муваффақият саналади. Фараз қилинг-а, ғолиблар саноқли. Лекин санъат мухлислари қанчадан-қанча ажойиб ижрочиларнинг ижроларини олқишладилар. Уларнинг ҳеч бирининг ижроси мухлислар қалбини бефарқ қолдирмади. Энг муҳими, одамлар Шарқ тароналаридан баҳраманд бўлишди. Шу боисдан ҳеч бир ижрочининг ғолиб бўлмагани учун кўнгли чўкмади. Аксинча, фестивалда иштирок этганидан, унда ўз санъатини намойиш қилиш бахтига муяссар бўлганидан мамнун бўлиб юртига қайтди. Зотан, фестивалнинг моҳияти ҳам фақат ғолибларни аниқлашдангина иборат бўлмай, балки унинг Шарқ тароналаридан халқларни баҳраманд қилишдек, уларни мустаҳкам жипслаштиришдек холисона мақсади ҳам бор эди.

— Сиз санъаткор сифатида фестиваль конкурси ғолибларининг санъатини қандай баҳолайсиз, аниқроғи, сиз ғолиблар сифатида кимни тан олган бўлардингиз?

— Фестивалнинг бош соврини — ГРАН-ПРИ соҳиби эълон қилинганда, ўз башоратимдан ҳаяжонланиб кетдим. Чунки бош соврин соҳиби деб тан олинган Озарбайжон қўшиқчиси Симара Имонова билан биз фестиваль давомида яқиндан дўстлашиб, бир-биримизга катта-катта ютуқларни башорат қилган эдик. Мен унинг талантини бош совринга муносиб дея ўзига айтган эдим. Биласизми, халқ тили билан айтганда, унда худо берган овоз бор, унда шу овоздан фойдалана олиш имкони бор. Унинг ўз санъати, ҳаракатига мос кийим танлашини айтмайсизми. Шу боис у «Сегоҳ»ни куйлаганда унинг бутун вужуди ҳам қўшиққа айлангандек эди. Аслида кўпгина санъаткорлар ўз ҳамкасблари талантини кам тан олади, ёки кўпчилик тан олсагина тан олади. Лекин ишонинг, мен унинг талантига унинг ғолиб деб эълон қилинишидан олдиноқ тан бердим. Хуллас, менда Симара эмас, бошқа кимдир бош соврин эгаси бўлиши керак эди, деган тушунчага ўрин қолмаганди. У Шарқ мумтоз санъатининг келажакларидан бири.

— «Шарқ тароналари» халқаро фестивали тантаналари Ўзбекистонда Мустақиллик байрами билан қоришиб кетди ва Ўзбекистон халқи учун қўш байрам бўлди. Шу кунлари сизга яна бир байрам бўлди. Президентимиз фармони билан «Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист» унвонига сазовор бўлдингиз. Айтинг-чи, сиз учун уларнинг қайси бири қадрлироқ туюлди?

— Ростини айтсам, мен буларнинг ҳеч биридан воз кеча олмаган бўлар эдим. Назаримда унвон ва бошқа тақдирланишларнинг мана шундай катта тантаналар арафасида тақдим этилиши бу мамлакатимиз раҳбари тасдиқлаган ҳужжатнинг халқ орасида ўз тасдиғини топишига хизмат қилади. Шу кунлари кимки, бирон — бир қувончга эришса, бутун халқ у билан бирга қувонади. Бу ўзингдаги қувонч сарҳадини икки баробар оширади.

***

Самарқанд бежизга «Шарқ машъали» деган ном олмаган. Ва бугун бежизга бу шаҳар шарқона оҳанглар намойиши учун танланмаган. Бундаги тарихий обидалар қатига Шарқ мусиқасининг асл илоҳий оҳанглари сим-сим бўлиб сингиб кетган. «Шарқ тароналари» фестивали кунлари янграган оҳангларга Самарқанд обидалари қатидаги шу наволар жўр бўлди ва бу мусиқалар турли миллат халқлари қалбидан жой олди.

Чори ЛАТИПОВ.

Суратда: Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Марям Сатторова.

*Солиқ тизими*

# ҚЎЙНИДАН ТУШСА...

***«Бозор муносабатларига ўтиш шароитида солиқлар иқтисодий сиёсатни амалга оширишда энг муҳим бошқарувчи омил бўлиб қолади».***

**И. Каримов**

Маълумки, солиқ тизими республикамиз мустақиллиги билан тенгдошдир. Унинг ташкил топганига олти йил бўлди. Мамлакат миқёсида амалга оширилган ислоҳотлар, иқтисодий жараёнларни солиқ тизимисиз тасаввур этиб бўлмайди. Қашқадарё вилояти солиқ бошқармасининг бошлиғи Д.ТОШМАНОВ билан қилинган қуйидаги мулоқотда бу соҳада эришилган муваффақиятлар, режалар ва айрим муаммолар хусусида фикр юритилади.

— Даврон Сайфиевич, далиллар ва рақамлар бошқарма, шаҳар ва туман солиқчилари самарали фаолият кўрсатиб иқтисодиётимизга салмоқли ҳисса қўшаётганликларини исботлаб турибди. Келинг, суҳбатимизни жорий йилнинг дастлабки олти ойида эришилган меҳнат ютуқларидан бошлайлик.

— Солиқ тизими ташкил топган қисқа вақт барча ҳамкасбларимиз қатори биз учун ҳам изланиш, ривожланиш, янгича фикрлаш йиллари бўлди. Ана шу давр мобайнида солиқ маданиятини шакллантириш сари дадил ва ишончли қадам ташланди. Мустақил мамлакатимизнинг ўзига хос, жаҳондаги илғор мамлакатлар андозасига мос солиқ сиёсати яратилаётганлигидан мамнунмиз.

Ўтган йиллар мобайнида вилоятимизда ҳам бир қатор ташкилий, тарбиявий, ижтимоий тадбирлар амалга оширилди. Натижада бюджетнинг даромадлар қисми сезиларли даражада ўсди.

Бу йилги меҳнат муваффақиятлари ҳам анчагина салмоқли бўлаяпти. Ўтган олти ой мобайнида ғазнага 8 млрд 327 млн.сўм маблағ туширилди. Бу кутилгандан 49,7 млн, ўтган йил шу даврига қараганда эса қарийб 4 млрд.сўм кўп демакдир.

Барча шаҳар ва туманларда белгиланган режалар ошириб адо этилса-да, бироқ фойдаланилмаган имкониятлар ҳам йўқ эмас. Айрим туманларда у ёки бу солиқ турлари, тўловлар бажарилмади. Натижада бюджетга кутилган 273 млн.сўм тушмай қолди.

— Республика Вазирлар Маҳкамасининг яқинда бўлиб ўтган 1997 йилнинг биринчи ярмида Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва иқтисодий ислоҳотларнинг бориши муҳокама этилган мажлисда солиқ ташкилоти шаънига ҳақли эътирозлар билдирилди. Президентимиз И.Каримов дебиторлик ва кредиторлик қарзлари масаласи ўткир муаммо бўлиб турганлигини алоҳида қайд этди. Қашқадарёда бу борадаги аҳвол қандай?

— Жуда ташвишли. Баъзи корхона раҳбарларининг бепарволиги, айрим ҳолларда ҳотамтойлиги туфайли бюджетга тўловлар бўйича тушум камомади юқорилигича қолмоқда. Вилоят корхоналарининг бугунгача бўлган дебиторлик қарзлари 34 млрд 868 млн.сўмни, юридик шахслар ҳисобида бюджетдан боқимандалар миқдори 10890,2 млн.сўмни ташкил этади. Муддатида ундирилмаган солиқларнинг ошиб кетишига асосий сабаб «Ўзбекнефтигаз» миллий корпорациясига қарашли корхоналарнинг бюджетдан қарзи кун сайин ошиб бораётганлигидир. Бугунгача Муборак газ конлари бошқармасида қарзлар миқдори 3841,7 млн.сўмга, Муборак газни қайта ишлаш заводида 2264,4 млн.сўм, «Шўртан» газ конлари бошқармасида 2095,4 млн.сўмга етди. Хўжалик юритувчи субъектларнинг молиявий аҳволи ночор бўлганлиги ҳам солиқ тўловлари юзасидан қарзларни ундириб олиш имконини бермаяпти. Банкларга қўйилган мажбурий тўлов топшириқномалари ижросиз, ҳаракатсиз турибди.

Юртбошимиз Вазирлар Маҳкамасининг юқорида қайд этилган йиғилишида «Корхоналар ва уларнинг раҳбарлари ўз айланма маблағларини сақлаш ва кўпайтириш масалалари билан жиддий шуғулланмаяпти. Ўзаро тўловлар амалга ошмаётганининг асосий сабаби айнан мана шундадир» деб таъкидлади. Баъзи корхона ва ташкилот раҳбарлари бу соҳадаги масъулиятни тўла ҳис этмаяптилар. Ҳатто хўжалик юритувчи субъектлар истеъмолчи ва буюртмачиларга жўнатиладиган маҳсулотларни ҳисоб-китоб қилмасдан, 15 фоизлик қийматни олдиндан тўламасдан турли хизмат кўрсатаётирлар. Бу ҳам шубҳасиз муддати ўтган қарзларнинг кўпайишига олиб келмоқда. Айни вақтда ана шу соҳадаги дебиторлик қарзлари 1947780,3 минг сўмга етди. 307 ташкилот 15 фоизлик тўловни амалга оширмасдан бошқа республикаларга 514943,5 минг сўмлик маҳсулот жўнатган. Ана шу соҳадаги қонун-қоидага амал қилмаганлиги учун корхона раҳбарлари ва бош ҳисобчиларидан 1019 кишига 3235,5 минг сўм жарима солинди. Республика Вазирлар Маҳкамасининг бюджетдан қарздор хўжалик субъектларининг қарзларини уларнинг мол-мулклари ҳисобидан ундириб олиш ҳақидаги қароридан кейин биз вилоят хўжалик судига 145 корхонанинг 6884,3 млн.сўмлик қарзини ўзиш тўғрисидаги даъво аризаси билан мурожаат этдик. Шундан бугунгача 128 таси қондирилди.

— Ҳозир халқ орасида савдо ходимлари ҳақида турлича фикрлар юрибди. Аминмизки, улар ўртасида иймон, эътиқодлилари кўп. Лекин ўз манфаатлари учун ҳар қандай қонунбузарликдан қайтмайдиган ўғри, қаллоб кимсалар ҳам оз эмас. Уларга қарши кураш қандай ташкил этилган?

— Ҳа, савдогарлар ҳақида таъна ва дашномлар эшитилиб турибди. Бунинг заминида асос бор, албатта. Кўпчилик савдо ходимлари вақтинчалик содир бўлаётган қийинчиликлар даврида халқнинг талабига сезгирлик билан жавоб бериб, уларни имкони борича қўллаб-қувватлашни эмас, ўз ҳузур-ҳаловатларини ўйламоқдалар.

Бошқарма савдо ва хизмат кўрсатиш соҳаси корхоналарини назорат қилиш бўлими, шаҳар ва туман инспекциялари ходимлари билан ҳамкорликда йил бошидан буён 1641 корхона, дўкон ва шахобчаларда текшириш ўтказишди. Уларнинг 1315 тасида харидор ҳақига хиёнат қилиш, харидоргир молларни яшириб қўйиш ҳолатлари аниқланди. Бунинг натижасида 6302,8 минг сўм қўшимча ҳисобланиб, кўп миқдордаги маҳсулотлар давлат ҳисобига мусодара қилинди.

Ачинарлиси шундаки, кичи ҳақидан сира ҳазар қилмайдиган кўпчилик савдо ходимлари жиноятга қайта-қайта қўл уриб, узоқ муддатларга озодликдан маҳрум қилинмоқда.

1998 йилнинг 1 январидан эътиборан Солиқ Кодекси амал қила бошлайди. Вазирлар Маҳкамасининг савдо-сотиқни тартибга солиш ҳақидаги қарори 1 августдан кучга кирди. Савдодаги қонунбузарликларга чек қўйилади, деб ўйлайман.

Суҳбатдош:
Қ.ЭГАМБЕРДИЕВ

*Маданият хабарлари*

Фарғона шаҳар маънавият ва маърифат маркази шаҳардаги «Кафолат» студияси ходимлари билан ҳамкорликда мамлакатимиз Президенти Ислом Каримовнинг «Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари» номли китобининг моҳиятини аҳолига кенг тушунтириш мақсадида туркум кўрсатувлар намойиш этди. Телетомошабинлар «Буюклик шаҳодати», «Минтақавий можаролар», «Диний экстремизм ва фундаментализм» каби дастлабки 7 та кўрсатувларни илиқ кутиб олдилар.

Кўрсатувни маънавият ва маърифат маркази раҳбари, филология фанлари номзоди Муҳаммаджон Матғозиев олиб борди. Унда вилоятнинг таниқли олимлари, ҳуқуқ-тартибот органларининг ходимлари ҳам фаол иштирок этишди.

Мустақиллигимизнинг асл моҳиятини кенг халқ оммасига баси. этиб бераётган бундай кўрсатувлардан яна 11 таси экранда намойиш этилди.

Маъмура МУСТАФОЕВА

# ОРАДА «АРАВА» ОВОРА

***Эндиликда юрт истиқболи йўлида ҳамжиҳатлик билан меҳнат қилаётган тадбиркорларни республикамизнинг исталган бурчагидан топиш мумкин. Айнан уларнинг саъй-ҳаракатлари туфайли мамлакатимиз дунё ҳамжамияти сари йўл тутаётгани ҳам сир эмас.***

Бугунги кунда қайси соҳани олиб қарамайлик, ҳаммасида ишбилармон ўз манфаатини жамият манфаатлари билан уйғунлаштира олган инсонлар шаклланаётир. Фақат гап ана шу мулкдорлар синфининг қандай қилиб, қайси қийинчиликларни енгиб шаклланаётгани. Жондор туманидаги деҳқон-фермер хўжаликларига ҳамда барча чорвачилик фермаларига техник хизмат кўрсатиш кафолатини олган «Чорватехсервис» марказида лоқайдлик, сансоларлик кайфияти ҳукмронлик қилаётганга ўхшайди. Йўқса, жамоада янгиликка тўғаноқ бўлиш ҳолатлари кетма-кет такрорланмасди. Жорий йилнинг 5 ойлик якуни бўйича корхонанинг дебитор қарзлари 1.662 минг сўмни ташкил этади. Шу жумладан, муддати ўтган дебитор қарзлар 1.269 минг сўмга етган. Кредитор қарзлар салмоғи ҳам кўпайгандан кўпайиб бормоқда. У 723 минг сўмдан ошиб кетди. Шундан муддати ўтган қисми 655 минг сўмни ташкил этади.

Энг ачинарлиси шундаки, бу ерда кейинги 2 йил ичида мавжуд ички имкониятлардан умуман фойдаланилмади. Бинобарин, корхона етакчи мутахассисларидан Б.Раззоқов аниқлунда таклифлар билан майдонга чиққач, одамларда истиқболни кўра олиш хусусияти уйғонди.

1994 йилнинг 2 майида жамоа аъзолари иштирокида ўтказилган кенгайтирилган мажлисда Б.Раззоқовнинг корхонани хусусийлаштириш ҳақида таклифи атрофлича муҳокама этилиб, бир овоздан маъқулланди. Жамоадошлар мулкни давлат тасарруфидан чиқариб, хусусийлаштиришга рози эканлигини билдирдилар. Шундан сўнг қисқа фурсатда тегишли ҳужжатлар тайёрланиб, Давлат Мулки Қўмитасининг вилоят бўлими ҳукмига ҳавола этилди. Унинг 1994 йил 7 июлдаги хулосасига кўра бу иш Ўзбекистон Республикаси Давлат мулкини бошқариш ва хусусийлаштириш юзасидан қабул қилинган Қонун талабларига тўла-тўкис мос келиши эътироф этилди.

Кейинги босқичда ташкилий-тадбирий ишлар амалга оширилди. Мақсад битта — мулкка эгалик тўғрисидаги ордерни олишдан иборат. Аммо сўнгги лаҳзада тор манфаатлар доирасига ўралашиб қолган айрим раҳбарлар айби билан иш пайсалга солинди. Бошқа қатор баҳоналар ҳам рўкач қилиниб, корхонани хусусийлаштириш билан боғлиқ ҳақли талаб орқага сурилаверди.

Б.Раззоқов ҳам анойилардан эмас эди. У ўзининг ҳуқуқ ва бурчларини, мажбуриятларини чуқур ҳис этган ҳолда масалани қонуний ҳал қилиш йўлларини излади. Турли ташкилот, ҳатто маъмурий идораларга ҳам мурожаат қилди. Аммо минг афсуски, текширувчилар аризачининг ҳаққоний талабини қондириш ўрнига, негадир унинг инсоний қадр-қимматини ерга уриш, шу йўл билан ишни атайин пайсалга солишга уриндилар.

Албатта, кўп уринишлардан сўнг корхона хусусийлаштирилиб, ҳиссадорлик жамиятига айлантирилди. Ўшанда бу ерда 33 киши ишларди. Дастлаб ташкилотнинг йиллик даромади 25-30 минг сўмдан кам бўлмаган бўлса, корхона номи ўзгаргач, аҳвол тағин мушкуллашди. 1995 йилга келиб йиллик соф даромад 4 минг сўмга тушиб қолди. Бажарилган ишлар учун вақтида пул кўчирмаслик, жамоа аъзоларига 7-8 ойлаб маош бермаслик ҳолатлари «шаклланди».

Айниқса, шу даврда қимматли қоғозлар бозорини шакллантириш билан боғлиқ ҳаракатларни амалга ошириш ҳам ҳеч кимнинг хаёлига келмади. Мулкка даъвогар бўлган жамоа аъзолари йил охирига келиб дивиденд тўловларини олиш у ёқда турсин, ҳатто фарзандларига тўланадиган нафақа пулларини ҳам олишга имконлари бўлмади. Бу ҳол ҳамон давом этаётир.

Ишни эски йўсинда олиб бориш нечоғлик мушкул кучаётганлигини инобатга олган корхона бош ҳисобчиси фойдаланилмай келинаётган имкониятларини излаб топишга ҳаракат қилди. Шу мақсадда у ташкилот олдида

## Оғриқ нуқталар

қўшма корхона ташкил этиш ғоясини илгари сурди. Ана шу мақсадда бўш ётган бино ҳамда чанг босиб келаётган уруғ тозалагич мосламасини ижарага бериш таклифи ўртага ташланди. Қизиғи шундаки, ижарачи тадбиркор Умар Нарзиевнинг бу борадаги ҳатти-ҳаракатини кўпчилик маъқуллади. Унинг тадбиркорлик ҳаракатини жонлантириш юзасидан берган аризасига мувофиқ мазкур объектларни ижарага беришга қарор қилинди. Ҳатто унга 1 йил муддатдан сўнг ушбу биноларни сотиб олиш ҳуқуқи берилди. Одатдагидек, бу гал ҳам ишлар қонун доирасида олиб борилди, яъни тегишли ҳужжатлар расмийлаштирилди. Корхона касаба уюшмасининг 1995 йил 12 майдаги қарорига биноан маъмуриятнинг 12/12 сонли буйруғи чиқарилди. Розилик хатини олган У.Нарзиев давлат мулкини бошқариш вилоят қўмитаси (раиси Р.Эшонқулов)га учрашди. Бу ерда икки томонлама шартнома тузилди. Йил охирига келиб, аниқроғи 16 ноябрда талабгор 8059 сўм миқдорида ижара пулини ҳам тўлади.

Лекин, яна нима бўлди-ю юқоридагидек тадбиркорлик ҳаракатига болта урилди. Талабгорнинг корхона маъмуриятига, туман ҳокимлигига юқори ташкилотларга қилган мурожаатлари жавобсиз қолдирилди. Тадбиркорлик, ишбилармонлик, айниқса, хусусийлаштириш масаласида юзаки ёндашувлар, расмиятчиликларга йўл қўйиш, ҳатто тўрачиликни авж олдириш билан боғлиқ ҳаракатлар оқибатида кенг кўламда иш бажаришни ўз зиммасига олган йирик бир ташкилот афсуски, синиш ҳолатига келиб қолди.

Жамоада ошкоралик, ҳалоллик бўлмагани оқибатида нималар содир бўлиши мумкинлигини мана юқоридаги корхона мисолида кўриб турибмиз. Бу оққуш, қисқичбақа ва чўртанбалиқ масалини яна бир карра эста солади-я...

Усмон НАВРУЗ,
«Ишонч»нинг жамоатчи мухбири

# МЕҲНАТ — ҲУРМАТНИНГ ТОЖИ

Республика «Ўзбек донмаҳсулоти» корпорациясига қарашли Сирдарё вилояти Ховос шаҳридаги «Ховосдон» ҳиссадорлик жамиятининг асосий мақсади, аҳолини сифатли ун, нон ва нон маҳсулотлари билан таъминлашдан иборат.

1996 йил 14 март куни ўтказилган йиғилишда корхонада илгари техника хавфсизлиги муҳандиси бўлиб ишлаган ўз касбининг моҳир мутахассиси Светлана Зайцева касаба уюшмаси ташкилотининг раиси қилиб сайланди. У ишини авало маъмурият билан шартнома тузишдан бошлади. Меҳнат шартномаси устида фикр юритар экан, ташкилотда мавжуд 131 нафар уюшма аъзоларининг қобилиятлари, имкониятлари, оилавий шароити, иш тажрибаси, малака ва кўникмаларини ўрганиш зарурлигини биринчи навбатга қўйди. Корхонада иш сифати самарадорлигини ошириш усулларини пухта ўйлаб кўришиб, шартнома тасдиқланди. Мазкур шартнома давлат буюртмасини бажариш, меҳнатга муносабатни такомиллаштириш, уни илмий асосда ташкил этишга қаратилган.

1996-97 йилларда 96 нафар ишчига 224 минг 60 сўмлик ҳар хил кийим бош берилди. 1996 йил «Тинчлик» маҳалласидаги кам даромадли 10 оилага 200 сўмдан пул, 10 кгдан ун улашилган бўлса, 1997 йил яна шу оилаларга 10 кг дан ун, 2 кгдан гўшт текинга берилди. Корхонадаги ишчи ходимлар 2 қопдан ун, кепак, картошка, сабзи, пиёз кабилар билан таъминланди. 8 март байрамида 31 нафар хотин-қиз 1000 сўмдан пул мукофоти билан рағбатлантирилди. Наврўз айёмида ишчи ходимларга 2 кгдан гўшт текинга берилди. Уларнинг кўнгилли дам олишлари учун байрам тантанаси уюштирилди. Ишчи-хизматчиларнинг 10 нафар фарзандларига «Целинник» оромгоҳига бепул йўлланма берилди. 2 ишчи «Ҳавотоғ» санаторийсига, 6 киши Тошкент «Минводы» дам олиш сиҳатгоҳига саломатлигини тиклаш учун юборилди.

1997 йил янги йил байрами арафасида 220 бола 16 минг сўмлик совғалар билан тақдирланди. Бундай хайрли ишлар, «Инсон манфаатлари учун» шиори остида амалга оширилди.

Ишчи-хизматчилардан тушган 13 ариза таҳлил қилиниб, атрофлича ўрганилгач, ҳар бир аризачига 5 минг сўмдан ёрдам пули берилди.

— Бир касбда, бир вазифада ишлашнинг хосияти кўп, — дейди ўз жамоаси ҳақида ифтихор билан касаба уюшмаси қўмитаси раиси С. Зайцева.

Дарҳақиқат, ҳиссадорлик жамияти раиси Қурбонбой ака Холиқбердиев шу корхонада 30 йилдан бери бош-қош. Бу кишининг камтарлиги, самимийлиги, мулоҳазалилиги раҳбарлик қобилияти барчага ибратлидир.

Баҳром Нуруллаев — олий маълумотли технолог. 10 йилдан бери тегирмон цехининг назоратчиси. Наталия Фомина 16 йиллик иш тажрибасига эга лаборант. Лариса Воронкова 10 йилдан бери кадрлар бўлимини бошқаради. Хосият Собирова эса 16 йилдан бери ҳисобчилик касбини дилдан ардоқлаб, эл ҳурматини қозонаётганлардан.

Садоқат ФАЙЗИЕВА,
Байт ТУРДИЕВ

# ВИЛОЯТ КЕНГАШИНИНГ ПЛЕНУМИ

Яқинда Андижон вилоят касаба уюшмалари кенгашининг Пленуми бўлиб ўтди. Пленум ташкилий масалани кўриб чиқди. Шу давргача вилоят ҳокимлиги котибияти бошлиғи вазифасида ишлаб келган Азизбек Содиқов вилоят касаба уюшмалари кенгаши раиси лавозимига сайланди.

Пленум ишида Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгашининг раиси Ҳ.Жамолов ҳамда Андижон вилоят ҳокимининг биринчи ўринбосари М.Юсупов қатнашдилар ва сўзга чиқдилар,

Шавкат ЁҚУБОВ,

***«Даштобод» нефть маҳсулотлари корхонасида техника хафсизлигига катта эътибор берилади. Ҳар бир ишчи бу борада етарли билимга, кўникмага эга. Бу ишларни йўлга қўйишда бош мухандис Қўзимурод Умаровнинг ҳиссаси катта.***

***Суратда: (чапдан) ёш оператор Толиб Алимовга бош муҳандис Қ.Умаров техника хафсизлиги ҳақида тушинтирмоқда.***

**Н.АЛИМУРОДОВ олган сурат.**



*Янги иншоотлар*

# МАДАНИЯТ — МАЪРИФАТ МАРКАЗИ

Жиззах шаҳрининг Мустақиллик майдони ва Дўстлик шоҳ кўчаси оралиғида шарқона зеб бериб турган теннис корти ва мусиқали драма театри қаторида шаҳар ҳуснига ҳусн қўшаётган «Форум» (турли катта-кичик йиғинлар ўтадиган, дам оладиган, хордиқ чиқарадиган бинолар мажмуи) қад ростламоқда. Қадим юнонларнинг амфитеатрига қиёслаб қурилаётган ушбу томошагоҳ ўз бағрига бир йўла бир ярим минг томошабинни сиғдиради.

Бу ерда «Бахт уйи», «Заргарлик» гузари, томоша майдони ҳам бунёд этилаяпти. Умумий ҳажми 200 миллион сўм бўлган Жиззах вилоят маданият-маърифат маркази қурилишини «Жиззахчўлқурилиш» ҳудудий бошқармасининг 12-механизациялашган кўчма жамланмаси қурувчилари бажаришмоқда. Ушбу жамоанинг 250 нафар ишчиси бригадаларга бўлиниб, меҳнат қилмоқда. Иншоотни тезкорлик билан қуриш мақсадида ва инсон манфаатлари йили муносабати билан ишловчиларга 2 маҳал бепул иссиқ овқат берилаяпти. Бу борадаги таъминотни бошланғич касаба уюшма ташкилоти ўз зиммасига олган.

Қурилишда бурилиш ясаш учун курашаётганлар сафида донгдор усталардан Сайфулла Давронов, Отабек Ахтамбеков, пайвандчи Аҳмад Мал ўғли, Муҳаммад Ҳошим ўғли, монтажчи Вася Сандаков, ғишт терувчилар Ғайрат Қорабоев, Суннат Исматов, Олим Қаландаров, дурадгорлардан Б.Очилов, А.Аджисолиевлар бор. Улар берилган топшириқни ҳар куни икки бараварга етказиб бажаришмоқда.

— Биз қурилиш суръатини ошириш мақсадида ишни икки сменада ташкил этганмиз, — дейди 12-механизациялашган кўчма жамланма бошлиғи Баҳром Каримов, шунингдек, жамоамизга «Жиззахсувқурилиш» ҳудудий бирлашмасига қарашли 7,14,33-механизациялашган кўчма жамланмалари қурувчилари, 1 ва 5-автотранспорт жамланмаси транспортчилари яқиндан ёрдам бермоқда. Бундан ташқари, вилоят ҳокимлиги ҳашар ва шанбаликлар ўтказиб бизга керагича кўмак бермоқда.

Маданият ва маънавият мажмуи атрофида вилоят тарихий музейи, «Заргарлик» маҳалласи гузари миллий халқ ҳунармандчилиги расталари, «Никоҳ уйи» тезкорлик билан қад ростламоқда. Ҳамма қулайликларга эга бўлган «Заргарлик» маҳалла гузарини «Жиззахсавдо» концерни жамоаси никоҳ маросимлари ўтадиган 400 ўринли «Никоҳ уйи»ни «Суғдиёна» савдо ишлаб чиқариш фирмаси қурувчилари бунёд этяпти. Биринчи қурилиш ашёлари корхонаси жамоаси эса томошагоҳнинг теграсини бадиий безакли қизил ғиштин девор билан ўраб, ҳашаматли дарвоза қураяпти.

Айтмоқчи, амфитеатр атрофида эрта кўкламда 6 гектарлик боғ яратилган эди. Уни Мустафоқул Умрзоқов бошлиқ вилоят ўрмон хўжалиги ходимлари бунёд этишди. Боғда арча, каштан, толгул, шарқ туяси, олма, ўрик, ёнғоқ каби манзарали ва мевали дарахт кўчатлари соя бериб, гуркираб ўсмоқда.

Мажмуанинг биринчи навбати — майдон, «Никоҳ уйи», «Заргарлик» гузари, амфитеатр мустақиллик куни — 1 сентябрда ишга тушди. Қурилишнинг иккинчи навбати — «Нуронийлар» чойхонаси, савдо расталари, маданий-маърифий музей йил охиригача ишга тушади.

Алибой ЭРГАШЕВ,
«Ишонч» мухбири.

*Касаба уюшмалари ҳаёти*

# ҲАР БИР ИШЛОВЧИ ЭЪТИБОРДА

Ўзбекистон мустақиллигининг олти йиллиги арафасида Беруний пахта тозалаш ҳиссадорлик жамиятида меҳнат қилувчи салкам 800 нафар ишчи, муҳандис-техниклар хонадонига арзон баҳода гўшт, сут, сабзавот-полиз маҳсулотлари етказиб берилди.

— Бу одатдаги ҳол. Унга жамоамиз аъзолари кўникиб қолишган, — дейди касабақўм раиси Ғани Нуримбетов. — Уларга етарли даражада ғамхўрлик кўрсатиш имконига эгамиз. Иқтисодий кўрсаткичларимиз йил сайин яхшиланиб бормоқда. Масалан, ўтган йилни 9 миллион 417 минг сўм фойда билан якунладик. Мавжуд ресурслардан оқилона фойдаланиш, техникаларни, электр энергияси, транспортни тежаб-тергаб ишлатиш натижасида 5,5 миллион сўмни иқтисод қилдик. Умуман бу йилги мавсумда 8 минг 24 тонна тола ишлаб чиқарилиб, унинг 90 фоизи хорижга жўнатилди.

Дарҳақиқат, корхона ишлари билан яқиндан танишар эканмиз, касаба уюшмаларининг обрўси жамоада анча баландлиги сезилди. Айниқса, 1- ва 2-заводлар қошидаги, Олтинсой пахта қабул қилиш шохобчалари ҳамда маъмурият касаба уюшмалари бошланғич ташкилотлари кундалик ишларини замон талабларига мос равишда олиб боришни таъминлаётир. Ҳар бир тадбир пухта ўйланган ҳолда, жамоа аъзолари, айниқса, тажрибали оқсоқоллар билан бамаслаҳат олиб борилади. Бу ҳол айниқса Олтинсой пахта қабул қилиш шохобчаси қошидаги ёрдамчи хўжаликда кўзга яққол ташланади. Улар 120 бош қорамол, 400 бош қўй-қўзилар боқишаяпти. 127 гектар ерда деҳқончилик қилинмоқда. Маҳсулотлар 50 ўринли санаторий-профилакторияни, 2 та 180 ўринли болалар боғчаларини бепул таъмирлашга сарфланади.

Касабақўм янги ишчи ўринлари ташкил қилишда ҳам анчагина фаол. Шу боис корхонадан бирорта ҳам ишчи урни қисқаргани йўқ. Аксинча, тикувчилик, гилам тўқиш, кигиз босиш, автомобилларни таъмирлаш цехларида 50 нафардан зиёд кишилар муқим иш ўрнига эга бўлишди.

Яқинда суткасига бир ярим минг шартли банка консерва ва мева шарбати ишлаб чиқарувчи мўъжазгина кичик корхона ҳам ишга тушди.

Биз Беруний шаҳридаги пахта тозалаш ҳиссадорлик жамияти ишлари билан танишар эканмиз, агар фаолият меъёрида олиб борилса, касабақўм неларга қодир эканлигига гувоҳ бўлдик. Энг муҳими, бу ерда ҳар бир ишчи эътиборда, ардоқда бўлишига эришилган. Бозор муносабатларига ўтилаётган ҳозирги мураккаб шароитда энг муҳими ҳам худди шундан иборатдир.

Абду РАҲМОН

